*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

● № 122 (9368).

1988 йил 28 июнь сешанба

Баҳоси 3 тийин.




Бугун—Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси очилади



Б. Егоров фотоси. ТАСС фотохроникаси.

# ОРОЛГА ОБИ ҲАЁТ

## Ўзбекистон деҳқонлари, барча меҳнаткашлари, жамоатчилигига МУРОЖААТНОМА

Азиз юртдошлар, Дўстлар!

Орол денгизи ва унга ёндош регион нечоғлик хавф остида қолганлиги ҳар бирингизга маълум, албатта. Одамнинг табиатга нисбатан ўйламай-нетмай қилган хужуми, бир зумлик муваффақиятни деб масъулиятсизларча хўжалик юритиши, ўзбошимчалик билан чиқарган қарорлари ва оқибати, ўйланмаган лойиҳалар натижасида шу ноёб ҳавза — Ўрта Осиёнинг бебаҳо дурдонаси ҳалокат ёқасига келиб қолди.

Кейинги чорак аср мобайнида айтилган шу сабабларнинг ўзи билангина денгиз акваторияси ва ундаги сув ҳажми қарийб уч баравар камайди, Орол сатҳи 13 метр пасайди, қирғоқ чизиғи 70—80 километр чекинди. Орол денгизи балиқчилик ва транспорт аҳамиятини батамом йўқотди, қирғоқбўйи зонасининг набототи ва ҳайвонотига қақшатқич зиён етказилди, регион иқлими сезиларли ўзгаришларга дучор бўлди.

Буларнинг ҳаммаси Оролни ва Орол бўйини экологик ҳалокат райони, деб ҳисоблашга тўла асос бўлади. Орол фожиасига экология мезонлари билангина баҳо бериб бўлмайди-ю социал-иқтисодий, сиёсий ва ниҳоят, маънавий муаммоларни ҳам ўз ичига олади.

Қуриган денгиз тубида ҳосил бўлган туз ва қумдан иборат чўл атроф районларнинг деҳқончилиги ва чорвачилигига каттагина зиён етказмоқда. Иш ўринлари йўқолмоқда, балиқчи посёлкалари бўшаб қолмоқда, аҳоли туғилиб ўсган жойларини тарк этишга мажбур бўлмоқда.

Аччиқ ҳақиқат мана шундай...

Ана шу ҳақиқат кейинги вақтларда ҳукумат Орол бўйидаги экологик, социал—иқтисодий ва санитария вазиятини тубдан яхшилашни кўзловчи бир қанча муҳим қарорлар қабул қилганлиги тўғрисида ҳам гапириб ўтишимизни тақозо этади. Ҳозир регионддаги вазиятни ҳар томонлама соғломлаштириш борасида биринчи навбатдаги чоралар комплексини ишлаб чиқишга доир ишлар олиб борилмоқда.

Аммо Оролни қутқариб қолиш турли даражалардаги раҳбар идораларгагина боғлиқ бўлиб қолмайди. Орол денгизи — умумий мулкимиз, умуммиллий ифтихоримиздир. Табиат бизга эҳсон этган бу мўъжизани келгуси авлодлар учун сақлаб қолиш тўғрисида қайғуриш ҳам муштарак бўлмоғи лозим.

Биз Ўзбекистон қишлоқлари ва шаҳарларининг барча меҳнаткашларига мурожаат этиб, ноёб сув ҳавзасини қутқариб қолиш учун энг фаол, олижаноб курашга қўшилишга даъват этамиз. Бунинг учун деярли ҳар бир киши амалда кўп иш қила олади.

Биз республика агросаноат комплексининг ходимларига мурожаат этиб, ниҳоят сўздан ишга ўтиш ва Оролнинг турли регионларида деҳқончилик структурасига турмуш тақозо этувчи зарур ўзгаришлар киритишга даъват қиламиз! Экологик вазият мушкуллашган зоналарда шундай экин ва шундай парваришлаш технологиясини жорий этиш керакки, улар халқнинг буюк қимматбаҳо бойлиги — сувни, Оролга оқиб келадиган сувни тежашга имкон берсин! Олимлар Амударё ва Сирдарё этакларида деҳқончилик структурасини рационализация қилишнинг ўзигина бир йилда денгиз учун камида 7 куб километр сувни бўшатишини ҳисоблаб чиқдилар.

**Республиканинг барча ирригаторлари ва мелиораторларини, сув хўжалиги ташкилотларининг ҳамма ходимларини Оролнинг эҳтиёж ва кулфатларига эътибор беришга, суғоришдаги ваҳшиёна муносабатларга, бебаҳо сувни нес-нобуд қилишга барҳам бериш учун ўзларига боғлиқ бўлган ҳамма ишларни қилишга даъват этамиз.**

Шу муҳим ишни бирон кун ҳам, бирон соат ҳам орқага сурмай, бирон моддий-техника ресурслари ёки одам ресурсларини сарфламай, ҳозирнинг ўзида ҳам бу борада анча ишлар қилиш мумкин.

**Сув нобуд бўладиган ва сув нобуд бўлиши мумкин бўлган ҳамма ариқларни ҳеч кечиктирмай бўғиб, мавжуд коллектор — оқинди сув ҳавзаларини денгиз тарафига буриб, ҳозир Сариқамиш, Арнасой каби беқиқ котлованлардаги сувни Оролга қайтариш керак. Текисликдаги кўпгина сув омборларини сақлаб қолиш** нечоғлик мақбуллигига талабчанлик ва идрок билан қараб, ҳақиқатан ҳам суғорма деҳқончилик учун зарурларини қолдириш лозим.

**Ҳеч кечикмай, бирон дақиқани ҳам бой бермай, ирригация ва мелиорация тармоқларини реконструкция қилишга, биринчи навбатда сувнинг** сирқиб нобуд бўлишига тамомила барҳам бериш учун магистрал каналлар ва хўжалик ички каналлари юзини қоплашга киришиш керак. Шунда тежаладиган кўп куб километр сувни асраб Оролга қайтармоқ керак!

Суғориладиган ерларда экинларни суғориш пайти келди. Бу пайт узоққа чўзилади ва ниҳоятда кўп сув керак бўлади. Аввал бошданоқ Ўрта Осиёдаги жуда катта дарёларнинг ортиқча суви деб аталмиш сувидан оқилона фойдаланиш керак. Ҳозир бу дарёларнинг кўп сувли, даврий такрорланиб турадиган палласи бошланди. Ортиқча сув ҳавзаларга беҳудага ташлаб юборилган ўтмиш йиллардаги жиноий ишлар практикасига сира ҳам йўл қўйиб бўлмайди! **Бу эса йил мобайнида Оролга зарур бўлган 10—15 куб километр сувни оқизишга имкон беради.**

**Биз республика сувчилари шонли отрядига мурожаат этиб, ҳамма ерда ва ҳамма ишда бебаҳо сувни тежашга даъват этамиз!** Бир гектар пахта даласига йил мобайнида 15 минг куб метргача сув сарфланаётганлигига тоқат қилиб бўладими? Бу миқдор илмий асосланган нормадан анча ортиқдир. Бир гектар шолипояга эса ҳатто 45—50 минг куб метр ва ундан ҳам кўпроқ сув сарфланади. Ороддан тортиб олинган сув мана қаерларга сарфланмоқда!

(Давоми 4-бетда).

# МУВАФФАҚИЯТ ТИЛАЙМИЗ

БУГУН Ватанимиз пойтахти Москвада ўз ишини бошлайдиган XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида областимиз партия ташкилотидан сайланган делегатлар ҳам иштирок этадилар. Қайта қуриш ва социалистик янгиланишнинг фаол қатнашчилари, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг илғорлари, фан ва маданият арбоблари, жамоат ташкилотининг вакилларини область коммунистлари конференцияга делегат этиб сайлаганлар.

Делегатлар Москвага жўнаб кетиш олдидан область партия комитетида қабул қилиндилар. Бу ерда бўлиб ўтган суҳбат пайтида делегатлар ўзларини тўлқинлантираётган бир қатор муаммоларга, КПСС Марказий Комитети Тезисларини муҳокама қилиш чоғида билдирилган таклиф ва мулоҳазаларга эътиборни қаратдилар.

Конференцияга тайёргарлик кўриш давомида меҳнат коллективларида делегатлар билан қизиқарли учрашувлар бўлиб ўтди. Коммунистлар, оддий меҳнаткашлар бундай учрашувларда ўз делегатларига кўпгина наказлар бердилар. Улар делегатларни партия конференциясида шунчаки иштирок этмай, балки баракали, амалий ва самарали меҳнат қилишга, бутун совет жамияти турмушининг тактикаси ва стратегиясини белгилаб берадиган ҳужжатлар ҳамда қарорлар ишлаб чиқишда фаол қатнашишга даъват қилдилар. Делегатлар берилган ҳар бир наказни сўзсиз бажаришга ваъда қилдилар.

Москва республикамиз, шу жумладан областимиз партия ташкилотидан сайланган делегатларни 25 июнь куни кутиб олди. Делегатлар учун «Россия» меҳмонхонасидан жой ажратилган. Улар Кремлда рўйхатдан ўтгач, Москванинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар, маданий тадбирларда иштирок этдилар. Мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келган ҳамкасблар билан учрашиб, суҳбатлашдилар.

Бутуниттифоқ партия конференциясига совет халқи, бутун прогрессив инсоният умид кўзи билан боқмоқда. Буюк ўзгаришлар ва янгиланишнинг истиқболли программасини белгилаб берувчи бу улкан анжуман ишига катта муваффақиятлар тилаймиз.

*Партия конференциялари:*




МАРКСЧА—ЛЕНИНЧА партиямиз тарихида партия конференциялари алоҳида ўрин тутади. Янги типдаги партия тузишда, социализм учун курашнинг тактика ва стратегиясини ишлаб чиқишда улар жуда катта роль ўйнадилар. Конференциялар съездлар оралиғидаги даврда алоҳида ўзига хос мазмун касб этдилар. Амалий тажрибаларни эътиборга олиш, зарарли нарсалардан қутилиш, барча қимматли омилларни мужассамлаштириш, энг яқин келажакдаги амалий вазифаларни аниқ белгилаб олишда конференциялардан афзалроқ анжуман бўлиши мумкин ҳам эмас эди. Шу боис доҳиймиз В. И. Ленин конференциялар аҳамиятини ғоят қадрлар эди.

● **РСДРПНИНГ БИРИНЧИ УМУМПАРТИЯВИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ 1905 йилнинг 12—17 декабрь кунлари Финляндиянинг Таммерфорс шаҳрида бўлиб ўтди. Унда: ҳозирги вазият, РСДРПни бирлаштириш (большевиклар ва меньшевикларни), Марказий Комитет ҳисоботи ва бошқа масалалар муҳокамага қўйилди. Конференцияда В. И. Ленин, П. Румянцев, Л. Красинлар докладлар билан чиқдилар.**

● **РСДРП ИККИНЧИ («БИРИНЧИ УМУМРОССИЯ») КОНФЕРЕНЦИЯСИ 1906 йилнинг 3—7 ноябрида Таммерфорсда ўтказилди. Кун тартибига: II Давлат думасига сайловлар бўйича сайлов кампанияси тўғрисида ва бошқа масалалар киритилди. Большевиклардан — В. И. Ленин, меньшевиклардан — Л. Мартов, Польша социал-демократларидан — А. Варский, Бунд номидан — Абрамовичлар доклад қилдилар.**

● **РСДРП УЧИНЧИ («ИККИНЧИ УМУМРОССИЯ») КОНФЕРЕНЦИЯСИ 1907 йилнинг 21—23 июль кунлари Финляндиянинг Котка шаҳрида бўлди. III Давлат думасига сайловларда иштирок этиш, сайлов платформаси, бошқа партиялар билан блок тузиш сингари мавзуларда большевиклардан — В. И. Ленин ва А. Богданов, меньшевиклар ва Бунд номидан — Ф. Дан докладлар қилдилар.**

● **РСДРП ТЎРТИНЧИ («УЧИНЧИ УМУМРОССИЯ») КОНФЕРЕНЦИЯСИ 1907 йилнинг 5—12 ноябрида Гельсингфорс (Хельсинки)да бўлиб ўтди. Давлат думасидаги социал-демократлар фракцияси тактикаси тўғрисида В. И. Ленин сўзга чиқди.**

● **РСДРП БЕШИНЧИ (УМУМРОССИЯ) КОНФЕРЕНЦИЯСИ 1908 йилнинг 21—27 декабрида Парижда бўлди. РСДРП Марказий Комитети, Польша социал-демократияси Марказий Комитети, Бунд Марказий Комитетининг ҳисоботлари тингланди. Ҳозирги даврда сиёсий вазият, партия вазифалари ва бошқа масалалар муҳокама этилди. Докладлардан бирини В. И. Ленин қилди.**

● **РСДРП ОЛТИНЧИ УМУМРОССИЯ (ПРАГА) КОНФЕРЕНЦИЯСИ 1912 йилнинг 5—7 январь кунлари Прага шаҳрида ўтказилди. Кун тартибига 15 та масала киритилди. Ҳозирги вазият, партия вазифалари, ликвидаторлар ва бошқа масалалар юзасидан В. И. Ленин сўзга чиқди. Россия ташкилий комиссияси ҳақида Г. Орджоникидзе гапирди.**

(Давоми 2-бетда).

# ИККИ ЯРИМ БАРАВАР ОШИРИБ

**«УЗБЕКШАХТОСТРОЙ» тресги бунёдкорлари ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йилида унумли ишламоқдалар. XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси шарафига бошланган социалистик мусобақада фаол қатнашган сўзи билан иши бир коллектив зиммасидаги вазифаларни тўла бажармоқда. Қурувчилар шу йилнинг ўтган беш ойида ўз кучлари билан 6 миллион 223 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириб, топшириқни 102 процент қилиб бажардилар. Айниқса уй-жой қурилиши соҳасида қувончли натижаларга эришилди.**

**Шу йилнинг ўтган ойларида фойдаланишга топширилган уй-жойларнинг саҳни 5022 квадрат метрни ташкил этди. Бу ярим йилликда назарда тутилганидан икки ярим баравар кўпдир.**



● ТОШКЕНТ область партия ташкилотидан XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига сайланган делегатлардан бир группаси.

А. Зуфаров фотоси.

